



# ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 24 январ, чоршанба №14 (1028)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, мамлакатимиз Президентининг «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, «Соғлом авлод» ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари бажарилишининг 2000 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарган йиғилишда бу борада белгиланган вазифа ва режаларнинг ижроси атрофида муҳокама этилди. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичида кўзда тутилган кенг миқёсли, республикамиз таълим тизимининг барча йўналишларини қамраб олган вазифалар муваффақиятли бажарилаётгани таъкидланди.

Узлуксиз таълим тизимида қўлланиладиган барча ўқув дастурлари миллий истиқлол ғояси нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди ва янгиланди. Ижтимоий соҳа йўналишидаги барча ўқув фанлари бўйича маъруза матнлари чоп этилди. Жамиятимиздаги ўзгаришлар ва янги қарашлар асосида ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратилиши учун мустаҳкам замин тайёрланди.

Ўтган йил давомида «Соғлом авлод» давлат дастурида режалаштирилган, аҳолининг барча қатламлари ва айниқса ёш авлоднинг жисмонан ва руҳан баркамол этиб тарбиялашга йўналтирилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари, «Она ва бола» скрининг марказларини ташкил этиш борасида сезиларли ишлар бажарилди.

Йиғилишда мажмуа таркибига кирувчи вазирилик ва идоралар фаолиятида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар таҳлилига ҳам алоҳида эътибор жалб этилди. Кўпинча амалий иш ўрнига, мажлисбозлик, компаниябозлик билан шуғулланиш, хўжакўрсинга тадбирлар ўтказиш, рақам ва ҳисоботлар учун ишлаш сингари жиддий нуқсонлар ҳамон қаммаётгани, фуқароларнинг ҳаётий эҳтиёжига беписандлик билан қараш ҳоллари юзага келаятгани, кескин танқид қилинди. Айни вақтда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар таъсирчанлиги ҳам талаб даражасида эмаслиги, улар бевосита аҳолининг кенг қатламларини қамраб олмай, аксарият ҳолларда раҳбарлар ва фаоллар доирасида чекланиб қолаётгани кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Рисқиев, А.Мелибоев, З.Хусниддинов қатнашди. (ЎЗА).



Косонсой консерва корхонаси тумандаги мустаҳкам оёққа туриб олган ишлаб чиқариш корхоналаридан биридир. Бу ерда йилига 5 минг тонна мева ҳамда сабазот қайта ишланади ва 32 турдаги маҳсулот тайёрланади.

Корхона маҳсулотларига нафақат республикамиз, балки МДҲ давлатларида ҳам талаб катта. Бунга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати юқори даражада бўлаётганилигидир.

Суратда: илгор ишчи Гулбаҳор Мўйдинова.

Б.ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

## МИЛЛИОНЕР МАКТАБЛАР

Навбахор туманида миллионер мактаблар сони кун сайин ортиб бормоқда. Яқинда туман таълим-тарбия масканлари ўртасида ўтказилган «Йил мактаби» кўрик-танловида 17-мактаб ғолиб деб топилди. Шуниси харақтерлики, мактабда таълим-тарбия ишлари намунали даражада ташкил этилиши билан бирга, ўқув даргоҳи жамоаси 3 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 1,5 миллион сўм маблағ топишга эришди. Эндиликда бандакта мактабнинг ўз ҳисоб рақами бор.

Маълумки, туман ҳокимлиги қарори билан ҳафталик маълум бир кун мактаблар куни деб белгиланган. Тумандаги ҳар бир мактаб корхона ва ташкилотларга бирктибиб қўйилган. Ўтган йили ҳокимлик томонидан уларга 1 миллион 224 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, ҳомий ташкилотлар томонидан ҳам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун 1 миллион 234 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, Бешравот матбуот ҳиссадорлик жамияти ўқув масканларини зарур жиҳозлар

билан таъминлаган бўлса, автокорхона жамоаси 150 тонна кўмирни бепул келтириб берди.

Туман мактабларида сармоядан ташқари ишбилармонлик йўли билан топилган маблағ ҳисобига қурилиш ва обodonлаштириш ишлари кенг кўлаmda амалга оширилмоқда. Жумладан, 21-мактабда 300 ўринли 10 та синф хонаси ушбу маблағ ҳисобига барпо этилди. 33-мактаб эса тўла газлаштирилди ҳамда 6 та синф хонаси ишга туширилди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

## АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ ЎРГАНИЛДИ

бод, Ахтчи, Файзиобод қишлоқларида ҳамда «Сохибкор» ширкат хўжалигида, пахтачилик илмий-текшириш институти тажриба станциясида қоллипи нон ва бошқа нон маҳсулотларини ишлаб чиқариб, қишлоқ аҳолисига ўз вақтида етказиб берадиган цехлар барпо этилди.

Булардан ташқари қатор қишлоқлар ва маҳалла гузарларида 20 та оби-нон ёпадиган нонвойхоналар қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, асака-

ликлар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тумандаги Лабигардон қишлоғида ойига 30 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех ҳам қуриб битказилди.

«Оби-нон» ҳиссадорлик жамиятининг қўшимча цех ва нонвойхоналар барпо этиши аҳолини иссиқ нон ва бошқа нон маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилабгина қолмай, балки 60 та янги ишчи ўринлари яратишга имкон берди.

«Туркистон-пресс».

**Агар инсон ўз ҳаётидан, меҳнат қилаётган жамоаси, баҳараётган юмуши ва унинг самарасидан кўнгли тўлса, кўтаринки кайфият билан ишлайди. Ички имкониятлардан фойдаланиб, таъаббускорлик кўрсатади.**

Маълумки, меҳнатга ҳақ тўлаш масаласини оқилона ҳал этиш иш унумдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири, қолаверса, у ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим воситаси ҳамдир. Шунга қарамай, баъзи меҳнат жамоаларида маош ўз вақтида берилмайтир ва бу ишловчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Меҳнатга яраша ҳақ тўланмаса ёки оилаб кечиктириб берилса, ҳар қандай кишининг кўнгли ишдан совиши, унда норозилик кайфиятининг кучайиши кундай равшан.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди. Чуқур ўйламасдан қилинган иш кейин орқича шикоят, аризабозликни келтириб чиқариши, кишининг беҳуда овораю сарсон бўлишига олиб келиши шубҳасиз.


Касаба уюшмалари Жиззах вилоят Кенгашига меҳнаткашлардан ке-

либ тушган аризалар таҳлили, уларда келтирилган далилларни текшириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлардан маълум бўладики, айрим корхона раҳбарлари бозор шароити, иқтисодий ислохотлар талабларини ҳамон охиригача тушуниб етганларича йўқ.

Корхоналарни таъмирлаш, эскирган ускуналарни янгилашни билан алмаштириш, хом-ашёни вақтида етказиб бериш ёхуд тайёр маҳсулотни сотиш учун четдан мижоз излаш каби иқтисодий ёки юксалтиришнинг турли ва таъсирчан омилларидан фойдалана билмаслик қимматга тушмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг каммайиши, турли ташкилотлардан қарзларнинг ортиб бориши эса охири оқибатда меҳнаткашнинг елкасига оғир юк бўлиб тушади.

Жиззах тумани «Гандумтош» маҳалласи, Улғубек кўчаси 17-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Ш.Исмоилов вилоят касаба уюшмалари Кенгашига мурожаат қилиб, марҳум отаси Ан-

вар Исмоилов «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида 1995-1998 йилларда ишлаб топган ҳақини ололмаганлигини баён этди. Ушбу хат мутахассислар томонидан жойида ўрганилди ва адолат қарор топди. А.Исмо-



илковлар оиласига падали бузрукворларининг ҳалол меҳнат эвазига ололмаган иш ҳақи ундириб берилди. Шунингдек, вилоят касаба уюшмалари Кенгашига Жиззах тумани Шариллоқ маҳалласи, 3-уйда яшовчи М.Ҳамроқулова номидан шикоят хати келди. Хатда М.Ҳамроқулова ва «Фишт» кичик корхонасида ишловчи тўрт нафар фуқаро маошларини ололмаётганликлари шикоят тариқасида кўрсатилган эди. Хатни ўрганиш жараёни бу бошбашдоқликнинг асл сабабини очиб ташлади. Ҳақиқатан ҳам «Фишт» ки-

## Muammo ko'ndalang qo'yiladi

чик корхонаси уч ой мобайнида маҳсулот ишлаб чиқармаган ва натижада ишчилардан қарздор бўлиб қолган. Табиийки,

уч ойи учун бериладиган пулни ва яна бир келини М.Кўшмуродованинг иш ҳақидан 18 минг сўм пулни ололмаётганлигини

дек, молиявий ҳолатдан қатъи назар иш ҳақи ва нафақа пуллари жамоа шартномасида кўрсатилган муддатларда тўланиши лозим эмасми? Шундай бўлди ҳам. Вилоят кенгаши аралашуви билан Б.Кўшмуродовага иш ҳақи, М.Кўшмуродовага эса нафақа пуллари ундириб берилди.

Худди шунингдек, фуқаролардан В.Уринов, Ш.Искандаров, Ш.Ҳамроқулова каби ўттизга яқин фуқарога иш ҳақи берилишида мавжуд қонунчилик бузилгани аниқланиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатининг ҳимоячиси. Шу боис ҳам вилоят кенгаши ўз манзилига келган ҳар бир хат ортида инсон турганлигини жуда яхши англаб, ҳар бир ҳолатга алоҳида-алоҳида ёндошиб, муаммоларни имкони борича пайсалга солмай ҳал этиб, инсон тақдирига ўта масъулият билан ёндошишга ҳаракат қилмоқда.

Ш.ЁҚУБОВ.

## ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК

Унинг туб сабаблари нимада?

корхона бу қарздорликдан қутулиш учун икки имкониятларни қидиришга мажбур бўлди ва тез орада ишчилар ўз иш ҳақларини олдилар.

Ҳаққимизда инсоф сари барака, деган нақл бор. Афсуски, айрим мутасаддилар ҳаммиса ҳам бунга амал қилавермайдилар. Хусусан, Қ.Раҳимов номи хўжалик «Олмачи» қишлоғи, Бирлик кўчаси 89-уйда истиқомат қилувчи А.Кўшмуродов келини Б.Кўшмуродованинг ҳомилдорлик тавтилига, суянчи сифатида ҳамда ёш болалари учун ўтган йилнинг

## Хат ортида инсон тақдири

## КАСАБА УЮШМАСИ АДОЛАТНИ ТИКЛАДИ

**Навоий вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси бугунги кунда ўз сафида 25 дан ортқ корхона, ташкилот, жамоа ва ширкат хўжаликлар бошланғич ташкилотларини бирлаштириб турибди. Ишловчиларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг ҳар бир мурожаатига ўта синчковлик билан мурожабатда бўлиш эса шу куннинг талабидир.**

Ўтган йил давомида тармоқ касаба уюшмасида 58 та ариза ва шикоятлар қайд қилинган бўлиб, уларнинг аксариятида меҳнат шартномасининг корхона, ташкилот, хўжалик раҳбарлари томонидан ноқонуний бекор қилингани, иш ҳақи тўлашда қонун талаблари бузилаётгани қаламга олинади. Ачинарлиси шундаки, ўтказилган текширишларда бу каби камчиликлар қўлчиллик ҳолларда раҳбарларнинг меҳнат қонунларидан яхши хабардор эмаслиги оқибатида содир этилаётгани кузатилди.

Жумладан, «Навоий-гўштсаноати» масъулияти чекланган жамиятида биринчи гуруҳ ногирони Маманазар Турдиевга ойма-ой тўланадиган зарар миқдори пули ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-қарорига асосан бир йўла бериладиган нафақасини тўлашда узилишларга йўл қўйилган. Шу корхонада кўп йиллар ишлаб келган Венера Шодиева ҳамда Людмила Смолиналарнинг иш ҳақлари тўла ҳисоб-китоб қилинмаган. Урган шараёнида шикоятчиларнинг ҳақ-хуқуқлари тикланди, уларга етказилган зарар тўла ундириб берилди.

Шунингдек, ишчи Замира Жамолванинг ноқонуний бошқа ишга ўтказилгани ҳақидаги аризаси ҳам қўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.

«Навоийпахтатозолаш» корхонаси ҳуқуқшуноси Б.Норматов ҳам гаيريқонуний равишда ишдан четлаштирилганлиги асослаб берилди ва ўз вазифасига тикланди. Хатирчи туманидаги А.Пўлатов номи ширкат хўжалиги собик раиси

Нормат Хушназаров ўз лавозимидан ҳўжалик ички Низомига зид равишда бўшатишга эди. Қўмита аралашуви билан унинг розилиги олинди. «Навоий-сувқурилиш» кўчма корхонасига бош мундан ҳўжалик вазифасига ўтказилди. Шу тумандаги А.Ҳалимов номи ширкат хўжалиги аъзоси Шоназар Назаровнинг нафақа пули ундириб берилди.

«Мен, Курбонов Ражаб Навбахор туманидаги «Навбахор» ширкат хўжалигида тоқар бўлиб ишлайман, деб ёзади шикоятчи. — Менинг айрим камчиликлардан норози бўлиб ёзган хатим юзасидан вилоят касаба уюшмасидан вакиллар келиб, иш шароитини яхшилаб беришди.» Ширкат хўжалиги раиси С.Тураевнинг берган маълумотига қараганда аслида Р.Курбонов вазифасидан бўшатиш берган бахтсиз ходи-сада уни айбсиз айбдорга айлантиришмоқчи бўлишган. Меҳнат техник нозирларининг аралашуви билан ҳақиқий айбдорлар аниқланиб, уларга чора қўрилди.

Текширишларда Навбахор, Хатирчи, Қизилтепа туманларидан меҳнат дафтарчаларини сақлаш ва эгала-рига қайтаришда қонун талаблари бузилаётганлиги маълум бўлди. Улар қайта тақоррлан-маслиги учун ташкилот, хўжаликларда меҳнат қонунчилиги бўйича семинарлар ўтказиб туришга кели-шиб олинди.

Чорибой КОДИРОВ, Навоий вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси бош меҳнат техника нозир.

## Таъаббус, тажриба

Саноат шаҳри Олмалиқда салкам 120 минг аҳоли яшайди. Шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишда муаммолар мавжуд эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, шахсий автомобиллар эгалари билан ўтказилган суҳбатлардан сўнг кичик уюшма тўзилди. Келтирилган тартиб асосида 10 ўринли «РАФ» шахсий автомобиллари белгиланган йўналишида аҳолига хизмат

кўрсата бошлади. Бўлиб ўтган йўловчилар бекатда ортқ кутиб қолмайдилар. Йўл ҳақи ҳам анча арзон.

Хайдовчини шартнома асосида уюшма аъзоллигига қабул қилиш, унинг ҳар куни кўриқдан ўтиб, ишга чиқиши, патент олишларига қўлла-лашиш, белгиланган тўловларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, техник хизматни ташкил этиш каби вазифалар уюшма зиммасида.

Хайдовчи ҳар ойда уюшмага икки минг сўмдан аъзолик бадал-дан, транспорт воситаси эса тех-ник қаровдан ўтказилади. Бу эса

йўловчилар хавфсизлигини, манзилларига беҳавотир етиб боришларини таъмин-лайди. Шунингдек, йўналиш ва-ра-қасида ҳар бир хайдовчи учун аниқ вақт белгиланган бўлиб, унга

тўлдрилиб, иш стажы ёзиб бо-рилади, вақтинча саломатлигини касаллик варақаси орқали белгилан-ган тартибда ҳақ тўланади.

— Ҳозирча ша-ҳар тадбиркорлар палатаси касаба уюшмаси ҳисоби-дамиз, - дейди уюшма директори

Абдуназар Тоғаев. - Ўзимизда бош-ланғич ташкилот тузиш ҳаракати-дамыз. Ана шунда турли санато-рийларга йўлланмалар олиб, ҳай-довчиларимиз ижтимоий ҳимояси ҳақида астойдил қайғуриш имко-нига эга бўламыз.

Эркин фаолият юргизадиган, шу билан бирга ҳуқуқлари ҳимояланган жамоада ишлаш хайдовчиларга ҳам жуда маъқул бўлмоқда. Шунинг учун қўллаб-қўллаш шахсий транспорт эгалари уюшмага қабул қилишларини сўраб мурожаат қилишмоқда.

Темир ХАЙДАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

## ТРАНСПОРТЧИЛАРНИНГ ХАЙРЛИ ҚАДАМИ

# 2001 йил учун ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ

1

Меҳнат муносабатлари ва меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномаларининг аҳамияти тобора ўсиб бормоқда, чунки амалдаги қонунлар бу борада фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурият даражасини белгилаб берган.

Ходимлар ҳуқуқ кафолатларининг қонунчиликда белгиланганидан юқори даражасини ўрнатиш, меҳнат муносабатларини самарали равишда тартибга солиб туриш масаласи корхона, ташкилот, муассасаларнинг ўзларида жамоа шартномалари орқали ҳал этилиб, асосан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Жамоа шартномалари, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсунуши ва ходимлар сонидан каттиги назар, корхоналар ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади.

Меҳнат жамоаси мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касба уюшма кўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи раҳбари) имзо чеккан жамоа шартномаси норматив-мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоа шартномаси тузилиши олдиндан иш берувчи билан касба уюшма ўртасида музокаралар олиб борилади, касба уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади, уларнинг манфаатларини ифода қилади ва ҳимоя қилади.

Музокаралар олиб боришдан мақсад, бир томондан, корхонанинг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган қарорларни ишлаб чиқиш бўлса, иккинчи томондан, ходимларнинг турмуш даражасини ошириш, тиббий ва маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, меҳнат қилиш учун соғлом ва хавфсиз шaroитни яратиш билан қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Музокаралар томонларнинг ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, ҳақиқий молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олиш, томонларнинг олган мажбуриятларини бажариш учун масъулияти асосида олиб борилади.

Музокаралар давомида ўзаро ва алоҳида мажбуриятлар, жамоа шартномаларини тузиш ва уларни бажариш йўллари, келиб чиқиш мумкин бўлган келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби муҳокама қилинади.

Жамоа шартномасини тузиш юзасидан музокаралар икки томоннинг келишуви асосида олиб борилади, иш берувчи томонидан музокарада барбар ёки унинг ваколатли ходими, касба уюшмаси томонидан — касба уюшма кўмитасининг раиси қатнашади.

Музокаралар олиб бориш учун томонларнинг барбар сонли вакилларидан иборат комиссия ташкил этилади. Вакиллар сони камида уч киши бўлиши керак. Комиссия таркиби, томонлар вакилларига бериладиган ваколатлар, музокаралар давомида уларнинг иш жойи, маоши, меҳнат ва ижтимоий имтиёзлари сақланиб қолиниши масалалари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Томонлардан бирининг талаби, ташаббуси жамоа шартномаси тузиш юзасидан музокараларни бошлаш учун асос бўла олади, бу талаб аввалги шартнома мuddати тугашидан уч ой олдин ёзма равишда юборилади.

Музокараларга тайёргарлик кўриш даврида корхона касба уюшма кўмитаси ходимларнинг тақлифларини бирма-бир тўплаши, анкета тарқатиши ва мажлислар баённомаларини таҳлил қилиб чиқишлари керак, бу музокара жараёнида жамоа фикрига таъниш имконини беради.

2

Айни пайтда корхонанинг ҳўжалик ва молиявий фаолияти натижалари таҳлил қилиб чиқиши лозим бўлади.

Мазкур масалалар бўйича музокаралар кейинчалик комиссиянинг мунтазам олиб бориладиган мажлисларида давом эттирилиб, уларда долзарб масалалар мажмуи муҳокама этилади. Бу масалалар тақлиф, талаб, ўзаро мажбуриятлар шаклида, эҳтимол жамоа шартномасининг муқобил варианты шаклида ҳам расмийлаштирилиши лозим.

Муҳокама этилаётган масалалар юзасидан икки томон бир фикрга келганидан кейин комиссия жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишга киришади.

Ушбу тавсиялар иловасида Меҳнат кодексига норматив тусдаги қоидалар жамоа шартномасида мустақамлаб кўйилиши мумкин ёки шарт деб бевосита кўрсатма берилган моддалар рўйхати келтирилган.

Жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда тақлифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига кўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси умумий мажлисида маъқулланганидан кейин уч кун ичида имзо чекишади.

Жамоа шартномасида кўйидаги бўлимларнинг акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Жамоа шартномаси томонлари
- 1.2. Жамоа шартномасининг кучга кириш вақти ва амал қилиш мuddати.

3

лумотлар тақдим этиш;

в) касба уюшма кўмитасининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш;

г) касба уюшма кўмитаси ҳисоб рақамига маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишлари учун ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг \_\_\_% миқдорига пул ўтказиб бориш.

2.5. Касба уюшма кўмитасининг мажбуриятлари:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўлаиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрисида, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шaroитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш;

г) иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва санoат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

д) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олиши ва соғломланиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан таъминлаш;

е) корхонада меҳнат ва турмуш шaroитлари аҳво-

лининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

ж) касба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интeзомини мустақамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларни олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

з) касба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

## III. Ишлаб чиқариш — иқтисодий фаолият

3.1. Жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми.

3.2. Режалаштирилган фойда миқдори ва уни тақсимлаш йўллари.

3.3. Хом-ашёни етказиб бериш шартномалари ва тайёр маҳсулотни сотиш.

3.4. Корхона таъсислигида барпо этилган қўшма, кичик ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатишининг шартлари.

3.5. Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилганлиги, молиявий аҳвол ва корхона фойдасидан фойдаланиш тўғрисида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш тадбирлари.

3.6. Ходимларни бозор муносабатларининг энг долзарб масалалари бўйича ўқитиш шарт-шaroитлари.

## IV. МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ ўзГАРИШИ (ХУСУСИЙЛАШТИРИШ)

4.1. Касба уюшма кўмитаси вакилини ҳал қилувчи овоз билан хусусийлаштириш бўйича комиссия таркибига киритиш.

4

4.2. Хусусийлаштиришнинг асосий шакллари ва уни ўтказиш мuddатлари, масъул мансабдор шахслар.

4.3. Корхона тасарруфидagi мол-мулкни касба уюшма кўмитасининг розилигисиз сотилиши, бошқаларга ўтказилиши, ижарага берилишига йўл қўймаслик.

4.4. Мулк шакллари ўзгартиришда унинг ў еки бу вариантини танлашда меҳнат жамоаси фикрини ҳисобга олиш.

4.5. Хусусийлаштириш ва корхона мулкни баҳолаш бўйича комиссия таркибидида касба уюшма кўмитаси вакилининг иштирок этиши.

4.6. Акцияларни тайёрлаш ва тақсимлаш тартиби.

4.7. Хусусийлаштирилгандан кейин ижтимоий инфратузилма объектларини фаолият кўрсатиш тартиби.

4.8. Хусусийлаштириш жараёнида ходимларнинг айрим гуруҳларига имтиёзлар бериш.

4.9. Аввал тузилган жамоа шартномасини корхона хусусийлаштирилганидан кейин амал қилиш мuddатлари ва шартлари.

## V. МЕХНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ

5.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва ҳажми, натура шаклидаги тўловларни маълум фoиз билан чегаралаш, тўловнинг бу шакли қўлланилганда ижтимоий сўғурта ва касба уюшмалари аъзолик бадалларини ўз вақтида ўтказишни таъминлаш.

5.2. Ягона тариф сеткаси нуллиқ разрядининг мазкур корхонада ўрнатиладиган ставкаси, ўртанча иш ҳақини етказиладиган даражаси.

5.3. Иш ҳақини тўлаш мuddатлари. Иш берувчи

(ёки унинг вакили сифатида қатнашувчи шахс)нинг айби билан иш ҳақини тўлаш кечиктирилганда, унинг миқдорини индексация қилиш масаласи, раҳбарга нисбатан кўриладиган чоралар.

5.4. Ходимларнинг турли гуруҳлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом.

5.5. Иш вақтининг анги нормаларини жорий этиш тартиби.

5.6. Ишлаб чиқариш нормаси камайтирилган шахслар (ногиронлар, ёш ишчилар, ҳомиладор аёллар ва бошқалар) рўйхати.

5.7. Ходимлар тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг аниқ миқдорлари:

- ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шaroитлари учун қўшимча тўловлар;

- кечки, тунги сменалардаги, ишдан ташқари вақтлардаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдордаги иш ҳақи;

- ишдаги иқлим шaroитлари учун (ёз ва қиш фаслларида) қўшимча тўловлар;

- бригадага раҳбарлик қилгани учун, ўриндошлик учун қўшимча тўловлар;

- кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, юқори касб маҳорати учун устамалар;

- ходимнинг хизмат даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишлардаги қўшимча харажатларини, шунингдек, бошқа жойга кўчиб бориш билан боғлиқ харажатларини, хизмат сафари давридаги суткалик харажатларини қоплаш;

- қишлоқ ҳўжалик ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртанча иш ҳақини сақлаб қолиш;

- иш берувчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, асбоблар, ашёлар ва ҳоказо)дан фойдаланилганда ушбу ҳа-

5

ражатларни қоплаш;

- ходимнинг айби билан қисман брак деб топилган маҳсулотга ҳақ тўлаш миқдорлари;

- иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик тақлифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўриқдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек, ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори.

5.8. Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари.

5.9. Қўшимча имтиёзлар (овқатланишни арзонлаштириш, ишга бориб-келишдаги транспорт харажатларини қоплаш ва ҳоказо).

## VI. МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

6.1. Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўқис иш билан таъминлаш.

6.2. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касба уюшма кўмитасини олдиндан розилигини олиб амалга ошириш (корхона тугатилган ва корхона раҳбари билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

6.3. Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртанча иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлаш. Бошқа ишга ўтказиш мuddатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган иш ҳақининг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб

ҳисобланадиган ҳолатлар мезонлари.

6.4. Корхона ва унинг тизим бирикларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги ниятни (агар бундай ҳолатлар иш жойларини қисқартирилишига ёхуд меҳнат шартларини ноқулай тарзда ўзгартиришга олиб келадиган бўлса) касба уюшма кўмитасига камида икки ой олдин етказиш.

6.5. Иш ҳажми камайганда, мулк шакли ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни уюштириш.

6.6. Ходимлар сони қисқартирилаётганда:

а) ишдан бўшаган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарали, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;

б) вақтинча ишлайдиган ходимларни сонини чегаралаш, ўриндошликни таққиллаш, четда бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа мuddатли таътиллار бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш мuddатига мувофиқ келадиган пуллиқ компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) меҳнатга жойлаштириш ва бошқа касбга ўргатиш бўйича хизмат идоралари билан шартнома тузиш;

е) меҳнат бозорига рақобат қила олмайдиган ходимларнинг штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

ж) қисқартириш ўтказиладиган ишда қолди-

6

риш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимлар тоифалари.

6.7. Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим келтирилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвосидан воз кечиш ҳоллари. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимлар тоифаларининг рўйхати.

## VII. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

7.1. Ходимлар учун иш вақтасининг узунлиги (соат):

- нормал меҳнат шaroитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун (МК 115-моддасига биноан: 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);

- меҳнат шaroити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун 15-сон иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ (МК 117-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);

- 16 ёшдан ва 18 ёшгача бўлган ходимлар учун (МК 242-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);

- 16 ёшга тўлмаган ходимлар учун (МК 242-моддасига биноан: 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);

- I- ва II-гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун (МК 220-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);

- алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат шaroити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қароридан кўрсатилган меъёрлар);

- уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳис-

бидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун (МК 228\*-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас).

7.2. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби.

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш кунининг узунлиги.

7.4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек, ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар.

7.5. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътиллариининг энг кам мuddати.

7.6. Қўшимча таътиллари олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллари мuddати, уларни бериш тартиби ва шартлари.

7.7. Йиллик қўшимча таътиллари олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари.

7.8. Табиий-иқлим шaroитлари оғир ва ноқулай жойларда (ҳатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳўкумати томонидан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш масаласи.

7.9. Йиллик таътиллари учун ҳақ тўлаш мuddатлари.

7.10. Болалик аёл ходимлар учун:

- болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари;



«Авесто»нинг 2700 йиллигига

Шундан сўнг Зардушт қабила-ларни парокандаликка элтаётган ва қабилалар ўртасида тез-тез содир бўладиган диний низолар, босқинчилик, зўравонлик, бекор қон тўкишлар, фақир кишиларга нисбатан адолатсизлик, кишиларнинг мол-мулкни ва ҳорасини ўғирлаш, сурув-сурув қўйлар, пода-пода қорамоллар, айниқса, қуёш худоси шарафига болалар, гўзал қизлар ва ҳатто катта ёшларни йиғитларнинг қурбонликка сўйилиши, турли маъбудаларга сизиниш каби кўпхудоликка асосланган диний расм-русувлар, урф-одатлардан кишиларни ҳалос этиш мақсадида хотини (Хавови), уч ўгли (Иставаарта, Урвататнара, Хваречитра) ва уч қизи (Френи, Трити, Поурчиста) ҳаётини ҳавф доғди қолдириб, яккахудоликни, яъни зардуштийлик таълимоти кенг тарғиб қила бошлайди.

ХОРАЗМ — ЗАРДУШТНИНГ ВАТАНИ

Бирок, уруғ ва қабила оксоқоллари ва кўп худодликка сизиниш тарғиб қилувчи қоҳинларнинг қаршиликка дуч келган Зардушт Хоразм диёрини тарқ этиб, ўз маслаҳадлари билан Эроннинг шарқий вилоятга кетишга мажбур бўлади. Зардуштнинг диний таълимоти Эрон шохни Каби Виштаспа маъқул бўлади ва уни давлат дини сифатида фармон чиқаради. Эроннинг барча худудларида оташқадалар — ибодатхоналар қурилади. Аммо Сипийтмон Зардушт 77 ёшида Балх шаҳридаги ибодатхонада гоъвий душманларидан бири Братаравахш томонидан заҳарли ханжар санчиб ўлдирилади. Зардушт ўлимидан кейин у ўзи тарғиб қилган яккахудолик дини, яъни зардуштийлик маъқураси билан боғлиқ Зардушт томонидан озғак яратилган «Гоҳлар» ва унга «Олий ибтидо» Ахура-Мазда томонидан нозил бўлган алқоқ гимнлар матни қоҳинлар томонидан тарғибга солиниб, китоб ҳолига келтирилади ва бу муқаддас китобга «Авесто» деб ном берилади. Бу сўзининг маъноси «ўрнатилган, қатъий белги-ланган қонун-қоидалар» демақдир. Тарихий маълумотларга кўра, муқаддас «Авесто» милоддан аввалги VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида яратилган. «Авесто»нинг дастлабки матни 21 та китобдан иборат бўлган.

Авестошунос олимларнинг таъкидлашича, эраמידан аввалги 334-329 йилларда македониялик Искандар Эронни забт этганидан сўнг Истахр шаҳрида сақланаётган 12 минг ошанган қорамол терисига олтин ҳарфлар билан битилган «Авесто»нинг тиббиёт, нуҷум, илму ҳикмат соҳаларига оид матнларини юнон тилига таржима қилдириб, бошқасини ёқиб юборишга буюрган. Абу Райҳон Берунийнинг гувоҳлик беришича, замонамизгача етиб келган «Авесто» аслининг бошдан икки қисми ва Зардушт томонидан озғак ижод сар- (Давоми. Боши ўтган сонда)

чашмаларининг қоҳинлар хотири-сида сақланган энг қадимги «Гоҳлар» Шопур Сосоний ҳукмронлиги даврида милоднинг III асрида Мучаплат Қартир томонидан ёзиб олинган. Хисрав I ҳукмронлиги даврида (эрамининг 531-573 йилларида) «Авесто» паҳлавий тилига таржима этилиб, бу «Занд Авесто» («Авесто шарҳи») номини олган. Олимларнинг фикрича, «Авесто» Хоразм, Сўғд ва Бактрия ёзув-ларига яқин, юнон ва парфия ёзув-ларининг ислоҳ қилинган шаклида ёзилган бўлиб, бу «Авесто» ёзуви

Агар кишилик тафаккури бир дoston бўлса ва унинг қиммати борасида сўз юритилса, у ҳолда «Авесто»ни бу дostonнинг энг юқори поғонаси деб билимоғимиз лозим. «Авесто» маданиятнинг энг қадимий тарғиботчиси дидир. «Авесто»нинг яхуди ва масиҳий илоҳига кўрсатган бениҳоят таъсирини назарга олсак, у ҳолда унинг дин яратишда ва инсонлар тақдирини белгилашда ўткир эътиборли нуфузга эга бўлганлигини кўра-миш. Ҳеч кимса, ҳеч бир тилда «Авесто»дан бизгача етиб келган парчаларнинг («Гоҳлар»нинг) ҳай-ратда қолдирадиган даражада юксак эканлигини ҳаргиз инкор этмаган. Одамлар тафаккурида бунчалар юксаклик ва шукҳуни ким, қаердан топа олади?!

Шубҳасиз, бу ҳақиқат бўлиб, муқаддас «Авесто» «Гоҳлар»ни мутолаа этганимизда, унинг ҳар бир сатрида Хоразм заминидан таваллуд топиб, воёга етган донишманд Сипийтмон Зардушт сиймоси, заковати ва даҳоси намён бўлиб туради. Ҳа, қадимий Хоразм — Зардушт туғилган диёрдир. Зардушт туғилган диёр тарихи ҳаддан ортиқ бой ва қизиқарли. Бошқача бўлмоғи мумкин ҳам эмас-да: улғ инсонлар ҳамиша муқаддас заминда — ҳаёт ибтидои яраган, табиатнинг руҳи мужассамлашган, қудрати барқарорлашган жойларда кўз очадилар!

Сипийтмон Зардуштнинг насл-насаби, ҳаёти билан танишар экан-миз, Будда, Мусо, Исо, Муҳаммад алайҳиссалом каби пайгамбарлар учун умумий бир жиҳат диққати-мизни тортмай қолмайди: улғ динларга асос солган барча пайгамбарлар Шарқда туғилиб ўсганлар. Будда Ҳиндистонда таваллуд топди. Мусо пайгамбар Мисрда, Исо пайгамбар Қуддуси Шариф яқинидаги Вифлеемда дунёга келди. Муҳаммад алайҳиссалом Шарқдаги энг машҳур шаҳарлардан бири — Маккада туғилди. Пайгамбар Сипийтмон Зардуштнинг ҳаёти бу муқаддас қонуниядан исти-носно эмас: у ҳам Шарқнинг гўзал сарзамини қадимий Хоразмда дунёга келди.

Ҳалимбой БОБОВЕВ, юридик фанлари доктори, профессор, Солижон ҲАСАНОВ, педагогика фанлари доктори.

Термиз Давлат Университети қошидаги санаторий-профилакторий асосан талабаларнинг ўқишдан ажралмаган ҳолда даволаниш ва дам олиши учун мўлжалланган.

— Илгари ёшлар бизга камроқ мувожа-ат қилишарди, — дейди университет касаба уюшма кўмитаси раиси Поён Бакиров. — Сабаби, сарф-харажат даволанувчилар ҳисобидан эди. Икки йил-дири, керакли маблаг вилоят касаба уюшма кўмитаси ҳамда уни-верситет ҳисобидан ажратилаётгани учун санаторий ёшларнинг энг сеvimли маскани-га айланди. Ўтган йили бу ерда 265 на-фар йигит ва қиз ўқишдан ажралмаган ҳолда кўнгилли дам олиб, ўз саломатлиги-ни мустаҳкамлади. Қат-

ТАЛАБА ЁШЛАР ўқишдан ажралмаган ҳолда даволаниш имконига эга бўдилар

наб даволанганлар сони эса 370 нафардан ошди. Сиҳатгоҳда қулай шароитлар яратилган. Мақданий тадбирлар белги-ланган режа асосида ўтказилиб турилади. Истаган дам олувчи ки-тоблар хазинасидан, га-зеталар тахламидан фойдаланиши, телеви-зор томоша қилиши мумкин. Шахмат ишқи-болзари учун ҳам алоҳи-да хона ажратилган. Бош ҳақим Карим Бер-

диевнинг таъкидлашича, буйрак, жигар, нафас йўллари шамоллаши, бел ва оёқ оғриги каби касалликларни даволаш юзасидан бой тажриба тўплаган. Айниқса, па-рафин, игна санчиш ва нур билан даволашлар ўзининг қутилган нати-жасини берапти. Мазкур санаторий-профилакторийнинг яна-бир муҳим жиҳати муо-лажа хоналари ётоқ би-носининг ичида жойлаш-ганидир. Бу, ўз навбати-да, мижозларга қулай-ликлар яратмоқда. — Биз талаба ёшлар-

га шундай шароит яра-тиб берилганидан гоъй миннатдоримиз, — дея ўз фикрини ифодалайди биринчи курс талабаси Дилноза Эшқуватова. — Қутилмаганда касал-га чалиндим. Бирок меҳрибон шифокорлар тез орада оёққа қўйиш-ди. Дарсларимни қол-дирмай, саломатли-гимни мустаҳкамла-дим. Шунингдек, Баҳром Хусанов, Муҳаббат Саидова, Насиба Өргаше-ва, Уктам Омонов каби талаба ёшлар ҳам ўқишдан ажралмаган ҳолда ўзлари севган шифо масканида кўнгилдагидек дам олгангани ҳақида ай-тишди. Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» муҳбири.



Зангиота туманидаги 25-ўрта мактабда «Алифбе байрами» бўлиб ўтди. Байрамга бошланғич синфлар ўқитувчиси Зухра Маҳмудова етакчилик қилди.



Суратларда: «Алифбе байрами»-дан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Бу ажиб дунё

МЕВА-ШАМ Табиатда шундай дарахтлар борки, унинг мевасини шам-донга қўйиб ёқилса, худди шамдек бир текис нур сочади. Бундай мева-шамлар икклими иссиқ ва сернам Панاما хёёонларида ўсадиган шам дарахтидан олинади. Махаллий аҳоли бу ажойиб мевадан ўз уйларини ёритиш учун фойдаланади. Мева-шам таркибининг 60 фоизи ёғ бўлиб, оддий шам қанча ёнса, у ҳам шунча ёнади. Аммо ис чиқармайди.

ЎЗ-ЎЗИДАН ЁНАДИ

Австралиядо ўсади-ган эвкалипт дарахтининг барг ва шохлари шундай майинки, мойнинг буғланаётганини бемалол кўрса бўлади. Ёз кунлари қуёш тик-кага келганда соя жой-лардаги ҳарорат 40 даражага кўтарилади. Мана шундай иссиқ кунларда бу дарахт та-насидадан ўт чиқиб кетади.

КАВАКДАГИ МУЗЕЙ

Тошкентдан Термиз-га браваришдаги Сайроб қишлоғида каттақон бир чинор бор. Етти кишининг қучоғига сизмайдиغان бу дарахт минг йилдан бери қад кўтариб турибди. Қизғини шундаки, чинорнинг танаси кавак бўлиб, саводсизликни тугатиш йилларида бу кавакда мактаб таш-кил қилинганди. Кейинчалик мактаб чойхонага айлантирилди. Доғистонда 400 ёшга кирган улкан чинор бор. Унинг қавағи-да қадимги деҳқончи-лик қуроллари музейи ташкил қилинган.

КОНЧИ ЖЎЖАЛАР

Германиянинг Блен-дорф хўжалигида кўплаб жўжа семирти-риб сотилади. Жўжалар эски туз қонларида бо-қилади. Бундай ерости товуқ-хоналарининг афзалли-ги шуки, совуқ кунлари уни иситишнинг ҳожа-ти йўқ. Ундаги ҳарорат доимо 20 даража иссиқ бўлиб туради. Ер устида қоқилаёт-ган жўжаларга нисбатан уларнинг соғлиқлари чакки эмас. Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

ТАШБЕҲЛАР

Ҳаёт уммондир. Уммоннинг эса, табиийки, қирғоқлари маъвуд. Менимча, бу қирғоқлар савоё ва гуноҳ қирғоқларидир. Инсон умри давомида ана шу икки қирғоқ оралиғида ҳаёт кечиради. Энг даҳшатлиси, билатуриб гуноҳ қирғоғи томон интилишдир. Англаб етган хатоингни ҳадеб қавлаштириб, дашном бераверишса, сен яна хатоингни такрорлайве-расан. Дунёда чақалоқнинг кўзларидан нузли, гўзалроқ нарса йўқ. Қанийди бу покизалик ва нур унга умр бўйи ҳамроҳ бўлса! Ўзинг ҳақингда ўзгалардан эшитиш нақадар мароқли. Фақат мақтовни эмас, танқидни ҳам. Атрофдаги инсонларнинг ҳақиқий қиёфасини кун-далик турмуш ташвишлари билан машғул бўлиб, билиб бўлмайди. Ҳақиқий қиёфа кўпроқ фавулод-да ҳолат ва вазиятларда билинади. Ёлғон гапириш гарчи энг катта гуноҳ бўлса-да, у баъзан инсоннинг эзгулик йўлидаги уринишларини рўёбга чиқаришга ҳам хизмат қилади. Қалбни жароҳатлаган сўз инсонга узилган ўқ билан баробар. УМИД — Инсонни тобора тақдир сўқмоқлари сари олға етакловчи қуддир. Ҳаёт эртак эмас. Унинг интиҳоси шунинг учун ҳам яхшилик билан тугайвермайди. Бирок ҳаётда мўъжизаларнинг учраб туриши баъзан эртакни эслатади. УМИД БЕКИММЕТОВ.


1902 йилнинг охирида ва 1903 йилнинг бош-ларида ўша пайтларда машҳур Вена шахмат клуби — «Wiener Schachklub»да турнир ўтиши керак эди. Унинг иштирокчилари сафига кириш учун озмуноқа пул эмас — 40 қрон тўлаш лозим бўлган. Ўз-ўзидан маълумки, Олий техника мактабининг 18 ёшли талабаси М. Видмарга бунга пул йўқ бўлиб, у ўзи билан ўқитган ўртоқидан чўнтак олтин соатини гаровга бериб туришини илтимос қилади.

Видмар соатни гар-ровга қўйди, шундан сўнг дастлабки тур-нирлардан бирида қатнаша олди. Ёш шах-матчининг дебюти му-ваффақиятли ўтди. У совринли 6-ўринни эгаллади. 1910-25 йил-ларда жаҳоннинг энг кучли шахматчилари сафига кирган машҳур югославиялик грос-смейстернинг шахмат фаолияти ана шундай бошланган эди.

Видмар 1885 йил 22 июнда Люблянада ту-ғилди. Болалик йилла-рида шахматга ортиқ-ча қизиқмади. Чамаси, шахматни бир эрмак деб билган отасининг таъсири сезилган эди. Видмар ўз рақиблари-ни мактабдошлари орасидан излашга мажбур бўлди. Бирок бу борада ҳам тез ора-

ВИДМАР

да муаммо юз берди — муносиб рақибларни то-пиш тобора қийинлашиб борарди. Видмар Любляна гим-назиясини тамомлагач, 1902 йилда Венага ўқиш-га жўнаиди. Бу вақтда у шахмат ҳақида қурби ет-ган нарсаларнинг девяли ҳаммасини биларди. Бильгер дебютини ўрга-



ниб чиққанди. Морфи партиялари тўпламини кўлдан қўймади. Лекин унинг ўша пайтлардаги бош устози Тарраш эди. Видмар немис шахматчи-сининг позициявий ўйин-чи постулатларини сўзсиз қабул қилди. Уни буюк уста фикрларининг қатъ-

ийлиги ўзига тортар, ҳамма нарса аниқ ва равшан эди. Таррашнинг «300 партия»си унинг кун-далик ўқиш китоби бўлиб қолди. Видмар яна бир киши-га — Эммануэл Ласкерга кўнгил қўйган эди. Уша пайтдаги чемпион тимсо-лига у юксак даражадаги шахмат билан математика ва фалсафа устида шунчалик жиддий машғу-лотларни биргаликда қўшиб бориш мумкинли-ги намунасини кўрган эди. Бу кашфиёт Видмар учун фавулодда муҳим эди. Чунки умрининг охи-ригача у ҳаётини шахмат-сиз, шунингдек, электро-никасиз тасаввур этол-мас эди.

XX аср бошидаги Вена



Тож талабгорлари

Мамажон МУҲИТДИНОВ албатта, унинг ўзи ҳам бунга талабгор эмас эди. Бундай ҳуқуқни қўлга киритиш лозим. Унинг даражасидаги ёш шахматчилар қатнашган бош мусобақада ҳам у Дурас, Шпильман, Лан-ге, Нимцович ва бошқа-лардан ўзган ҳолда Ней-ман билан 1-2 ўринлар-ни баҳам қўриб, шов-шувга сабаб бўлди. Кел-гуси йили Барменда кўрсатган юқори нати-жаси ҳам Видмар учун халқаро майдонга йўл очди. 1906 йили Видмар Нюрнбергдаги халқаро турнирда қатнашиш учун тақлифнома олади. Бу тақлифи у ҳақон билан қабул қилди. Шахмат тах-таси узра кўпгина донг-дорлар билан учрашу-влар кутарди уни, улар орасида устози Тарраш ҳам бор эди. (Давоми бор) МАРОҚЛИ МАШҚЛАР. Иккала этюдда ҳам оқлар бошлаб, дуранга эришади.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Эркин Воҳидов, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар булимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 20.35.

Махсус: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотулди эркин нархда. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.